


**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналишининг малака
талаблари**

Тошкент 2019



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 201⁹ йил «5» 07 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМ га тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.2.	<i>5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	5
2.	<i>5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар</i>	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	<i>5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i>	7
3.	<i>5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i>	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2.	Малака амалиётига қўйиладиган талаблар	11
3.3.	<i>5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</i>	12

1. 5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш, ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5140300 – Механика таълим йўналиши – илм-фан ва техника соҳасининг йўналиши бўлиб, у инсон фаолиятида табиат жараёнларини, ходисалар қонуниятларини математик моделларини яратиш йўли билан ўрганиш ва соҳа истиқболини белгилаш, касбий кўникма ва инсон фаолиятининг билим воситалари ва услублари мажмуасини ўз ичига олади. Шунингдек, техника тарақкиётида қўлланиладиган воситалар ва усуллар мажмуаларини яратиш ҳам киради.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олинини назарда тутилади.

1.2.2. 5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- тушунчалар;
- қонуллар;
- тамойиллар;
- теоремалар;
- методлар;
- амалий механиканинг мазмунини ташкил этувчи асосий моделлар,
- синов-тажриба ўtkазиш учун мўлжаланган маҳсус асбоб-ускуналар;
- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида таълим жараёни.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олинини назарда тутилади.

5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- касблар ва лавозимлар миллий классификаторига мувофиқ олий маълумотли шахс эгаллаши лозим бўлган лавозимлар бўйича фаолият қўрсатишни;
- табиат ходисаларини механик нуктаи-назардан ўрганиш усулларини тадқиқот қилишни;
- механик жараёнларни математик моделларини яратиш, таҳлил қилиш ва оптималлаштиришни;
- қаттиқ жисм, суюқлик ва газларда кечадиган ички жараёнларни механик моделлар ёрдамида ўрганишни;
- муҳандислик масалаларининг математик таъминотини ишлаб чиқиш, алгоритмларини куриш, ечимларини олиш ва уларни механик нуктаи-назардан таҳлил этишни;
- компьютер технологиялари ва дастурлаш ёрдамида аниқ механик масалаларни ечишни;
- касбий таълим педагогикаси ва ўқитиш технологиясини;

- ўқитишининг дидактик воситаларини;
- таълимнинг электрон воситаларини;
- умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим тизимидағи ўрни ва ролини.

1.2.3. 5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳа – изланиш;
- ишлаб чиқариш, технологик;
- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- турли хизматлар кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр механик жараёнлар билан боғлиқ бўлган барча ишлаб чиқариш корхоналари ва лойиҳа-конструкторлик ишлари билан фаолият олиб борувчи бўлимларда мазкур соҳа бўйича қайта тайёргарликдан ўтгандан сўнг тегишли йўналиш бўйича касбий фаолият юритиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

5A140301 - Назарий механика;

5A140302 - Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси;

5A140303 - Суюқлик ва газ механикаси магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишини давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белгиловчи хукукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлиш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлиши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлишга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5140300 - Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- механика ва математик моделлаштириш усуллари, ҳамда компьютер технологиялари қўлланиладиган соҳаларда тадқиқот олиб бориш;

- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида ҳамда илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш;

- илмий муаммоларни ечишда тизимий ёндошишдан фойдаланиб тадқиқотларнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишда қатнашиши;

- интернет тармоғида энг янги илмий маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларнинг ресурсларини режалаштириш, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиха жамоасини бошқариш;

- илмий тадқиқот корхоналари фаолиятининг сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимларини қўллаш ва уларнинг механизmlарини ишлаб чиқиш;

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётта татбиқ этиш;

- ишлаб чиқариш жараённада сифатни бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Лойиха – изланиш фаолиятида:

- Фанлар Академияси ва тармоқ институтларида амалий ва илмий-тадқиқот,

тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини (тайёргарлик профилига мос равишда) қўллаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш, технологик фаолиятида:

- турли материаллар ва ускуналар чиқарувчи завод ва корхоналарда, мелиорация ва суюриш билан боғлиқ илмий-техник муассасаларда ишлаш;

- замонавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Таълим муассасаларидаги илмий ва педагогик фаолиятда:

- умумий ўрта таълим муассасаларida педагогик фаолият олиб бориш, шу жумладан математика фанидан, касб-хунар таълим муассасаларida механикага оид фанлардан дарс олиб бориш шунингдек, ўқув-услубий ишларни бажариш каби касбий фаолият турларини амалга ошириш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирав натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги усуллар, воситалар ва шакллар жабхаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши керак.

Турли хизматлар кўрсатишида:

- йўналиш бўйича жараёнларни математик модели ва масалаларни аналитик ҳамда сонли ечиш тизимлари соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

- пуллик таълим хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- йўналишга мос илмий мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

3. 5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар;

умумкасбий фанлар;

ихтисослик фанлари;

кўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўкув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар фанлар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий-илмий фанлар бўйича:

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллари ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

назарий механика, умумий физика қонуниятларини ўрганиш ва улар асосида турли жараёнларни математик моделлаштириш тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.

– механика бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши; янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– фазода текислик ва тўғри чизиқларнинг ўзаро вазиятини аниқлаш; эллипс, гипербола, параболанинг турли тенгламалари тузиш; иккинчи тартибли чизиқларнинг уринмаси ва диаметрлари тенгламаларини тузиш;

– назарий физиканинг асосий қонунлари ва уларнинг тадбиқ қилиш чегаралари;

– ходиса эҳтимоллигини классик, геометрик, аксиоматик ҳамда статистик таърифларига кўра хисоблаш; тасодифий микдор сонли характеристикаларини ҳисоблаш;

– механика ва физика масалаларини ечишнинг айрмали усулларини амалиётга қўллаш бўйича билим, укув, малака ва кўникмаларни шакллантирилиши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

- сонли тўпламларнинг чегараларини топа олиш; кетма-кетлик ва функция лимитини ҳисоблай олиш; биринчи ва иккинчи ажойиб лимитлар ҳамда улардан келиб чиқадиган муҳим лимитлардан фойдаланган ҳолда аниқмасликларни очишни бажара олиш; функцияларни узлуксизликка ва текис узлуксизликка текшира олиш; функциянинг ҳосиласи ва дифференциалини ҳисоблай олиш; дифференциал ҳисобнинг асосий теоремаларини қўллай олиш; юқори тартибли ҳосила ва дифференциалларни ҳисоблай олиш;

- аниқмас интеграл ҳисоблай олиш; аниқ интеграл ёрдамида юза, ёй узунлиги ва хажм ҳисоблашни бажара олиш; аниқ интегрални тақрибий ҳисоблашни бажара олиш;

- функционал кетма-кетлик ва қаторларнинг яқинлашиши ҳамда текис яқинлашишини аниқлай олиш; даражали қаторлар ва уларнинг яқинлашиш соҳаларини топа олиш; Эйлер интеграллари ёрдамида хосмас интегралларни ҳисоблай олиш;

- каррали интегралларда ўзгарувчиларни алмаштиришни бажара олиш; қутб, цилиндрик ва сферик координаталар системаларига ўтишни бажара олиш; эгри чизиқли интегралларни ҳисоблай олиш; сирт интегралларини ҳисоблай олиш;

- комплекс ўзгарувчили функцияниң интегралини хисоблаш; Кошининг интеграл теоремасидан фойдалана олиш;
- оддий дифференциал тенгламаларни интеграллаш усулларини қўллаш. Чегаравий масалалар ечимларининг ягона ва мавжуд эканлигини исботлаш. Тор тебраниш тенгламаси учун аралаш масалаларни Фурье усули билан ечиш; иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш;
- нуқта ва система динамикасига тегишли асосий теоремаларни масалаларни ечишда қўллаш; механик системаларнинг мувозанат тенгламалари ёрдамида реакция кучларини аниклаш; механик системаларнинг кинематик ва динамик характеристикаларини аниклаш;
- вектор ва тензор объектлар ва улар устида амалларни бажариш; деформация ва кучланиш тензорлари, бош йўналишлар ва бош қийматларни аниклаш; деформация ва кучланишлар назарияларида олинган асосий формулаларни қўллаш;
- материаллар қаршилиги масалаларини ечишда чегаравий шартларни танлай олиш, ЭХМ дан фойдаланиб сонли ечимлар ола билиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;
- ўз педагогик фаолиятини режалаштириш; таълим муасссаларида ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий – метод ва технологияларини қўллаш; ўқувчини рафбатлантириш, унинг фаолиятини назорат қилиш, истеъоди, иқтидорини рӯёбга чиқариш бўйича, тадбирлар ишлаб чиқиш.
- ўқув жараёнида турли анкета ва бошқа усулларни қўллай олиш; болаларнинг психологиясига хос хусусиятларни ўрганиш бўйича экспериментлар ўтказиш;
- ёшлар психологияси бўйича олиб борилган эксперимент ва кузатувларни расмийлаштириш борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва қўнималарни шакллантириши керак.

Ихтисослик фанлар блоки:

- механик система харакат тенгламаларини тузиш ҳамда уларнинг биринчи интегралларини олиш; олинган натижаларни механик таҳлил қилиш; назарий механика усулларини тўғри ва тескари масалаларни ечишда қўллаш; муайян механик масалаларни ечиш учун назарий маълумотларни қўллай олиш;
- туташ муҳит ҳаракат тенгламаларини туза билиш; гидростатика масалаларини ечиш; Бернулли ва Коши-Лагранж интегралларидан фойдаланиш; ёпишқоқ суюқлик харакати тенгламалари системасининг аниқ ечимларини куриш;
- эластиклик назарияси масалаларини қўйиш ва ечиш усулларини танлай билиш ҳамда олинган натижани таҳлил қилиш. Чўзилиш, буралиш ва эгилиш масалаларини ечиш ва қўллай билиш. Стержен ва пластинкалар тебраниш масалаларини қўйиш, еча билиш ва таҳлил қилиш;

Кўшимча фанлар блоки:

- юрак-қон томирларининг физиологик фаолиятини ёшга оид ўзгаришларини тадкиқот қилиш усулларини: артериал қонбосимни аниқлаш, унга тавсиф бериш ва амалда фойдаланиш;
- ҳар томонлама тараққий этган шахсни тарбиялаш жараёнида соғлом турмуш тарзи. Гигиена меъёрлари, соғлом организмни таъминлашда овқатланиш кун режимини ташкил этиш;
- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ҳамда аудитория соатларининг машгулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгашни томонидан белгиланади.

Курс ишига қўйилладиган талаблар

Курс иши мавзулари факультет кенгashi қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қиласди.

3.2. Малака амалиётига қўйилладиган талаблар

Талабалар умумкасбий фанларни ўзлаштиришида олган билимларини назарий ва амалий мустаҳкамлайдилар; техникавий, лойиҳалар ва технологик жараёнлар турларини ўрганадилар; тажриба натижаларини қайта ишлаш усулларини ўзлаштирадилар; автоматлаштирилган тадқиқот тизимини ўрганадилар.

Биринчи босқич малака амалиёти танишув амалиёти бўлиб, унда талабалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа давлат ва нодавлат илмий муассасалари мавзулари ва уларда илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш билан яқиндан танишадилар.

Иккинчи ва учинчи босқич малака амалиётларида талабалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ҳамда мос кафедралар томонидан бажарилаётган илмий муаммоларга ва математиканинг барча йўналишларига тегишли асосий илмий натижаларни қисман ўрганган ҳолда аниқ масалаларни мустақил ечадилар ва таҳлил қиласди.

Бакалавр малака амалиёти якунида:

- амалиёт раҳбари томонидан қўйилган мавзу бўйича зарурий маълумотларни тўплаш ва масалани ўрганилганлик ҳолатини таҳлил қилиши;
- масалани тадқиқ усулини танлаш, аналитик ёки сонли усуллар ёрдамида ечишни билиш ва фойдалана олиши;
- масалани ечиш учун зарур даражада компьютер технологиясидан фойдалана олиши;
- олинган илмий ёки амалий натижалардан хулоса чиқариши;
- малака амалиёти бўйича ёзма ҳисобот тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиши керак.

Педагогик амалиёт:

Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларининг фаолияти, ўқув режа ва дарс жадвалини тузиш жараёнлари билан танишадилар, дарсларда иштирок этадилар. Таълим корхонаси раҳбариюни томонидан уюштириладиган сұхбатларда иштирок этадилар. Синф раҳбари, унинг иш режаси, мактаб хужжатлари: синф журнали, ўқувчилар кундалик дафтари, ўқувчининг фан дафтарлари билан танишадилар. Синф раҳбари томонидан ўтказиладиган синф соатлари, мажлислари, сұхбатларда қатнашадилар; бириктирилган синф дарсларида, предмет ўқитувчилари дарсларида иштирок этиб, дарсларни биргаликда таҳлил қиласди. Аудитория билан муомала ва дарс ўтиш кўнижмаси ва малакасига эга бўладилар. Фанни ўқитишида турли хил методлардан фойдаланиш, ўқитувчилар билан мулоқот қилиш ҳамда ўқитишининг хозирги замон техник воситаларидан эркин фойдалана олиш кўнижмаларига эга бўладилар. Дарсларни эркин таҳлил қила олиш; ўқувчилар билимини баҳолай билиш тажрибаларини ҳосил қиласди.

Битирув малакавий ишига қўйилладиган талаблар

Битирув иши мавзулари таълим муассасасининг битирирувчи кафедралари томонидан истеъмолчи ташкилотлар талабларини, шунингдек замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув иши топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тутатганидан кейин берилади. Иш умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганганлик меъёрига кўра тўртинчи курс мобайнида, шунингдек, мазкур стандартда бажариш учун ажратилган вақт мобайнида бажарилади.

Битирув ишининг ҳажмини бакалаврлар тайёрловчи кафедра белгилайди.

3.3. 5140300 – Механика бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Кундузги ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 30 соат қилиб белгиланиши лозим.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Бакалавриатура йўналишларининг ўқув режалари ва фанлар дастурлари мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида йўналиш бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъзуза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Бакалавриатура йўналишлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

5140300 – Механика таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий ва амалий таълим 56 %;
- аттестациялар 11 %;
- таътил 18 %;
- малакавий ва педагогик амалиёт 12 %;
- якуний давлат аттестацияси 3%

Назарий таълим ҳажми «Гуманитар билим соҳаси”га мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва табиий илмий фанлар 29 %;
- умумкасбий фанлар 44 %;
- ихтисослик фанлар 21 %;
- қўшимча фанлар 6 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият тури, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, назарий механика, кинематика, статика, динамика, моддий нукта, ҳаракат, траектория, тезлик, тезланиш, қаттиқ жисм, фазо, ишқаланиш, масса, механик система, кинетик энергия, потенциал энергия, момент, умумлашган координата, мувозанат ҳолати, туташ муҳит механикаси, базис вектор, зичлик, гидравлика, идеал суюқлик, газ, ёпишқоқ суюқлик, гидромеханика, ламинар ва турбулент оқим, эластиклиқ, потенциал ва уормали ҳаракатлар, ток чизиги, материаллар қаршилиги, чўзилиш, сиқилиш, буралиш, эгилиш, эластик жисм, аналитик механика, ҳаракат турғунлиги, ҳаракатни бошқариш, фильтрация, тензор, деформация, куч, тезлик, кўчиш, тўлқин тарқалиши.

Илова

**5140300- Механика бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг
тузилиши**

T.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1808
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	272
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	136
1.08	Дастурлаш асослари	238
1.09	Чизиқли алгебра	204
1.10	Аналитик ва дифференциал геометрия	204
1.11	Назарий физика	136
1.12	Математика ўқитиш методикаси	120
2.00	Умумкасбий фанлар	2759
2.01	Математик анализ	680
2.02	Оддий дифференциал тенгламалар	238
2.03	Математик физика тенгламалари	188
2.04	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	82
2.05	Комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси	134
2.06	Назарий механика	629
2.07	Туташ мұхитлар механикаси	474
2.08	Умумий психология ва педагогика	240
	<i>Танлов фанлари</i>	94
3.00	Ихтисослик фанлари	1248
3.01	Механика масаларини компьютерда ечиш	64
3.02	Материаллар қаршилиги	272
3.03	Гидравлика	128
3.04	Гидродинамика	94
3.05	ТММнинг ҳисоблаш усуллари	118
3.06	Аналитик механика	118
3.07	Эластиклик назарияси	118
	<i>Танлов фанлари</i>	336
4.00	Қўшимча фанлар	395
4.01	Ёш физиологияси ва гигиена	60
	Жами	6210
	Малакавий ва педагогик амалиётлар	1242
	Яқуний давлат аттестацияси	324
	Аттестация	1188
	Жами	2754
	ҲАММАСИ	8964

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда
кадрлар истеъмолчилари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  А.Р. Марахимов

2019 йил « ____ »



КАДРЛАР БУЮРТМАЧИСИ:

ЎзРФА Механика ва иншоотлар сейсмик
мустаҳкамлиги институти директори

Директор  X. Сагдиев

М.ў



КЕЛИШИЛГАН:
Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий ва ўрта махсус, қасб-хунар таълимини
Ривожлантириш маркази

Директор  З.Хакимов

2019 йил « ____ »



Ижодий гурух раиси ва аъзолари

Ижодий гурух раиси ва ўринбосари

Ижодий гурух раиси	А.Р.Кутлимуротов	Математика факультети декани	
Ижодий гурух раиси ўринбосари	А.Б. Ахмедов	Математика факультети “Механика ва математик моделлаштириш” кафедраси мудири	

Ижодий гурух аъзолари

T/р	Ўқув фанлари (курслар) нинг номи	Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва увони	Имзо
2.00	Мутахассислик фанлари		
3.01	Механика масаларини компьютерда ечиш	А.Б.Ахмедов физика-математика фанлари доктори, доцент	
3.02	Материаллар қаршилиги	Н.Маматова физика-математика фанлари номзоди	
3.03	Гидравлика	А.Закиров физика-математика фанлари номзоди, доцент	
3.04	Гидродинамика	А.Бегматов физика-математика фанлари доктори, профессор	
3.05	ТММнинг ҳисоблаш усуллари	А.Б.Ахмедов физика-математика фанлари доктори, доцент	
3.06	Аналитик механика	Н.А.Коршунова физика-математика фанлари доктори, профессор	
3.07	Эластиклик назарияси	Н.Маматова физика-математика фанлари номзоди	

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриатура йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўтасида келишув

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ____ ” 201 ____ йил

